2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 3 (1064), 2024 йил 5 январь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 4 январь куни қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Сув танқислиги тобора кучаётган бугунги замонда мамлакатимизда уни қадрлаш, тежаб фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда 472 минг гектар ер томчилатиб ва 48 минг гектари ёмғирлатиб суғоришга ўтказилди, 97 минг гектарда бошқа сув тежовчи технологиялар жорий қилинди. 649 минг гектар ер лазерли текисланди.

Шундай чора-тадбирлар натижасида биргина 2023 йилда 2 миллиард куб метр сув тежалган. Бу Бухоро вилоятининг бир йиллик сув сарфига тенгдир.

Ушбу ишлар кўламини янада кенгайтириш ҳаракатларига тизимдаги айрим муаммолар халал бермоқда. Масалан, туман ирригация бўлимларининг ваколатлари хўжаликлараро каналлар билан чекланган. Сув етказиш хизматлари самарали молиялаштирилмаган. Тежамкор ускуналар ўрнатиш учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар фермерларни ўзига жалб қилмайди.

Шу боис, давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, туман ирригация бўлимлари ва махсус хизматлар негизида “Сув етказиб бериш хизматлари” давлат муассасалари ташкил қилинади. Улар экскаватор ва бошқа техникалар билан таъминланади. Бу суғориш тармоқларига хизмат кўрсатиш ишларини икки баробарга арзонлаштиради.

Шунингдек, барча суғориш тармоқларини хатловдан ўтказиш, эгалари бўйича бириктириш ҳамда ҳар бирининг ягона идентификацион рақамини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, жорий йилдан далагача етказилган 1 куб метр сув учун солиқ 100 сўм этиб белгиланди. Кўпчиликнинг онгида ўрнашиб қолган “сув — текин” деган тушунчани ўзгартириш вақти келди.

Сув истеъмолчилари билан ҳисоб-китобни шу тамойил асосида йўлга қўйиш таклиф қилинмоқда. Жумладан, 2025 йилдан бошлаб, далада сув ҳисоблагич ўрнатган ва тежамкор технологияларни қўллайдиган фермерлар учун солиқ коэффициенти камайтирилади. Аксинча ҳолатларда эса оширилади. Шу билан бирга, сув етказиб бериш учун тўловлар бекор қилинади.

Йиғилишда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш чоралари ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бунинг учун имтиёзли кредит линияси ташкил қилинмоқда. Хусусан, кредитлар 2 йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга 14 фоизлик ставкада ажратилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги лойиҳалар учун эса 10 фоиз бўлади. Кредит олишда фермерлардан мол-мулк гарови талаб қилинмайди.

Шунингдек, кредитлар “онлайн” ажратилиши йўлга қўйилмоқда. Бу борада Агробанк томонидан “Suvkredit.uz” тизими ишлаб чиқилган. Яна бир муҳим томони, энди пудратчиларга сув тежовчи технологияларни фақат ишчи лойиҳа асосида қуриш, ўрнатилган тизимларга камида 2 йиллик кафолат бериш ва камида 5 йиллик сервис хизмати кўрсатиш каби қўшимча мажбуриятлар юклатилмоқда. Бу талабларни бажармайдиган пудратчилар тизимга киритилмайди.

Маълумки, бугунги кунда сув тежовчи тизим жорий қилинган ҳар бир гектар учун 8 миллион сўм миқдорида субсидия берилади. Шу пайтгача бу маблағнинг 50 фоизи технология ўрнатилган йилда, қолгани келгуси йили унинг ишлатилишига қараб тўланар эди. Энди бу борада ҳам қулайлик яратилиб, барча субсидия маблағларини ўша йилнинг ўзида тўлаб бериш белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, сўнгги истеъмолчигача бўлган тизимни тўғри йўлга қўйиш, сувни тежаш ишларини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА**

Тараққиёт йўли

# ҒОЯЛАР иқтисодиёти

## УНИНГ ОДАМЛАР ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

**Юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон бозорларига дадил кириб бориш бўйича салмоқли ютуқларга эришдик. Жумладан, инсон ҳуқуқларини амалда энг олий қадрият даражасида таъминлаш мақсадида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди. Сўз ва эътиқод эркинлиги, гендер тенгликни таъминлаш бўйича эришган амалий натижаларимиз эътироф этилмоқда. Илк бор камбағаллик мавжудлиги тан олинди ва уни қисқартириш учун самарали тизим яратилди. Бу тизим билан давлат кўмагига муҳтож оилалар тўлиқ қамраб олинди.**



Қонун устуворлигини таъминлаш, суд мустақиллиги ва одил судлов институтини мустаҳкамлаш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш борасидаги ислоҳотлар қатъий давом эттириляпти. Аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган тизим — маъмурий судлар ташкил этилди. Жамиятда коррупцияга муросасизлик муҳитини шакллантириш энг устувор вазифалардан бирига айланди.

Хорижий инвестор ва ҳамкорларимиз узоқ кутган енгиллик ва имкониятлар иқтисодий ислоҳотларда ўз аксини топмоқда. Валюта тизими эркинлаштирилгани, ташқи бозорларга чиқиш бўйича тўсиқлар бартараф этилгани, 7 мингдан зиёд хомашё ва товарга божхона божлари бекор қилингани натижасида ташқи савдо айланмаси икки карра ошди. Шу билан бирга, солиқ юки қарийб 2 баробар камайди, солиқ маъмуриятчилиги соддалаштирилди. Ислоҳотларга ишонч ортгани туфайли йиллик хорижий сармоя ҳажми 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар кўпайди. Қулай бизнес муҳити яратилгани натижасида тадбиркорлар сони 4 баробар ошди.

*Давоми 3-бетда*

Армия ва халқ — бир тану бир жон



# ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ВА МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакат ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ғоят муҳим ўрин тутади. Кейинги йилларда миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган кучга, эл-юртимиз таянчи ва суянчига айланди.**

*Давоми 2-бетда*

БИЗ ВА ДУНЁ

# ЎЗБЕКИСТОНГА ХОРИЖ САРМОЯСИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

## Хорижий ОАВ Ўзбекистон Президентининг Янги йил табриги ҳақида

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил байрами табригида 2024 йил мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинди. Бу юртимизда ёшларга бўлган эътиборни кучайтириши ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар кўламини янада кенгайтириши табиий.**

Ўзбекистоннинг 2024 йилда белгиланган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари нафақат юртимиз вакиллари, балки хорижий экспертлар ҳамжамияти ва етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан ҳам олқишланмоқда.

*Давоми 2-бетда*

Консалтинг хизмати

# МАВЖУД ВАЗИЯТДА МАҚБУЛ ЕЧИМ ҚАНДАЙ ТОПИЛАДИ?

**“Маслаҳат” сўзи бирор ишни қандай қилиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ тарзидаги мулоҳаза, тавсия, таклиф, фикр олиш каби маъноларни билдиради. Муқаддас китобларда ҳам барча ишда маслаҳат — кенгаш билан иш тутишга ундовчи жумлалар бор.**



Хусусан, Имом Бухорийнинг “Адаб ул-муфрад” ҳадислар тўпламида маслаҳат билан иш юритишнинг нечоғлиқ улуғ ва ҳаётда қанчалар катта аҳамиятга эга экани эътиборга олиниб, қайси бир қавм маслаҳат билан иш тутса, албатта, ҳидоят топишига урғу берилади. Амир Темурнинг “Тузуклар”ида ҳам давлат ишларининг ўндан тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат билан бажо этилиши алоҳида эътироф этилган. Демоқчи бўлганимиз, азалдан оқил кишилар бирор ишга қўл урмоқчи бўлса, албатта, илмли, ёши улуғ, ҳаётий тажрибаси катта, ақли расо ва фикри тиниқ кишилар маслаҳатини олиб, шундан сўнг бажаришга киришган. Шу боис, халқимиз орасида “Маслаҳатли тўй тарқамас” деган машҳур нақл ҳали-ҳануз кенг қўлланади.

*Давоми 4-бетда*

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЭРИШИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

замирида янги таҳрирдаги Конституциянинг муҳим ўрни бор

5

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили



# МАСЪУЛИЯТ, ҲАМНАФАСЛИК ВА РАҒБАТ

## *ТАШАББУСКОР ЁШЛАРНИ ЮРТИМИЗ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНТИРАДИ*

**Бугун дунё саҳнасида Янги Ўзбекистон деган ном янграмоқда. У ўзининг бор бўй-бастини интеллектуал ёшлар тимсолида кўрсатяпти. Давлатимиз том маънода тараққиётнинг янги босқичига чиқаётганига гувоҳмиз. Кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда ҳам ҳамкорлик ҳамда барқарорлик руҳияти шаклланишига сабаб бўляпти.**

Бундай ўзгариш ва янгиланишлар даврида ёшлар маънавияти, дунёқараши, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, кайфиятини ўрганиш, орзу-умидларига қувват бериш давлат сиёсатидаги муҳим вазифалар қаторига киради. Зеро, ёш авлод ҳар қандай мамлакат истиқболини белгилайдиган улкан стратегик қудратдир. Шу боис, Ўзбекистондаги ёшлар сиёсати кўплаб давлатлар учун андоза бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди.

*Давоми 5-бетда*



www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Армия ва халқ — бир тану бир жон

# ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ВА МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ



**Фахриддин САМАДОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси***

**Бошланиши 1-бетда**

Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, тезкор ва ихчам миллий армия ташкил этилди. Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини берди. Шунингдек, қўшин турлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича таъсирчан механизмлар йўлга қўйилиб, энг мураккаб вазифаларни ҳам тезкорлик билан бажарадиган бўлинмалар ташкил этилди. Қўшинларнинг жанговар ва руҳий тайёргарлик даражаси оширилди. Мудофаа соҳасидаги ислоҳотлар натижасини қатор нуфузли халқаро ҳарбий машғулот ва мусобақаларда Ўзбекистон ҳарбий жамоаларининг фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бир пайтлар аксарият ота-оналар фарзандини аскарликдан олиб қолишга ҳаракат қилган бўлса, бугун “Менинг ўғлим ҳам Қуролли Кучлар сафида хизмат қилсин”, деб юксак ишонч ва фахр туйғуси билан армияга жўнатмоқда. Ҳозир йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш нафақат бурч, балки шон-шараф ишига айланди.

Айни пайтда Қуролли Кучлар тизимидаги туб ислоҳотларда “Инсон қадри учун” деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилмоқда. Соҳадаги саъй-ҳаракатлар ёшлар қалбида армия билан фахрланиш, Ватан ҳимоячиси бўлишга интилишни кучайтирмоқда. Қуролли Кучлар академияси, янги ташкил этилган Ҳарбий-тиббиёт академияси, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ва бошқа ихтисослаштирилган таълим муассасалари профессионал кадрлар тайёрланадиган масканларга айланди. Бу орқали ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқиш ва интилиш янада ошди.

Бугун Қуролли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисми, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли кафолати, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялайдиган муҳим институтга айланмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Пойтахтимизда барпо этилган “Ғалаба боғи” ва “Шон-шараф” музейи мажмуаси эса ҳарбий хизматчилар, халқимиз, айниқса, ёшлар учун ҳарбий тарихни ва буюк аждодларимиз қаҳрамонлиги ўрганиладиган марказга айланиб бораётир.

Узоқ ҳарбий қисмларда хизмат қилиш, гарнизонма-гарнизон кўчиб юриш, машаққатларга чидаш нафақат ҳарбий хизматчидан, балки унинг оиласидан ҳам катта сабр-бардош талаб этади. Шу боис, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш муҳим масаладир. Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ миллий армиямизни ислоҳ қилиш, Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси ва дислокация тизимини такомиллаштириш, қўшинларни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлиги, касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўтган даврда бўлинмаларнинг техник ва захира таъминоти тизими тубдан қайта кўриб чиқилди, аутсорсинг хизматлари ва ҳарбий кластерлар тизими жорий қилинди. Мудофаа саноати мажмуаси корхоналари фаол ривожлантирилмоқда, айрим турдаги қурол-яроғ ва техника турларини ишлаб чиқариш ҳамда модернизация қилишни маҳаллийлаштириш жараёни бошланди.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча янги иш ўринлари яратилди. Кўплаб ҳарбий пенсионерлар ишга жойлаштирилди. Мудофаа тизимининг жанговар салоҳиятини ошириш бўйича катта ишлар қилиниб, ҳарбий бошқарув тизими деярли янгидан барпо этилди. Қуролли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан фуқаролик ва парламент назоратини кучайтириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмлар амалиётга жорий этилди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг масъул қўмитаси томонидан ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид долзарб масалалар юзасидан куч тузилмалари раҳбарларининг ахборотини тизимли асосда эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Масалан, парламент назорати тадбирлари доирасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ўқитиш, ҳарбий хизматга чақирилаётган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигини яхшилаш, давлат бюджетидан ажратилган маблағдан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда бошқа долзарб масалалар бўйича ўрганиш ва эшитувлар ўтказилмоқда.

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида ҳам бу борадаги ишлар янада кучайиб, мутлақо янги босқичга кўтарилади. Хусусан, ҳарбий қисмларда шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини, билим ва малакасини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, касбий ва маданий қизиқишини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, ҳарбий хизматчилар, соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва тиббий таъминотини яхшилаш, ҳудудларда ҳарбийлар учун узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар асосида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Шу йил 2 январь куни мудофаа қурилиши ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Қўшинларнинг жанговар шайлиги ва қобилиятини янада ошириш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, мавжуд қурол-яроғ намуналарини модернизация қилиш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, оила аъзолари ва Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган даврда қўшинларнинг жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлиги, бошқарув органлари, бирлашмалар, қўшилма ва қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Хусусан, ҳарбий шаҳарчаларда “Темир дафтар”га киритилган оилалар фарзандлари учун фан, спорт ва санъат турлари бўйича тўгарак ҳамда секциялар ташкил этиш, уларни бригада командирлари ва ҳарбий округ қўмондонларига бириктириш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида қўшинларнинг жанговар тайёргарлик самарадорлиги, ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллиги, жанговар руҳи ва психологик шайлиги сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга, ҳарбий олий таълим муассасалари фаолиятида ҳарбий кадрларни илғор технологиялар асосида тайёрлаш бўйича янги тизим жорий қилинди. Қолаверса, ҳарбий соҳани рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, қўшинларни бошқаришнинг замонавий автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда, алоқа тизими такомиллаштирилмоқда.

Бугунги глобаллашув ва кескин рақобат даврида дунёнинг турли бурчагида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролли можаро ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар биздан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Ана шундай ғоят масъулиятли вазиятда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда ҳимоя қилишда Қуролли Кучларимиз, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Айнан шунинг учун ҳам “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Қуролли Кучларнинг рақамли салоҳиятини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўникмасини ошириш муҳим ишлардан бири этиб белгиланган.



Ушбу дастурий ҳужжатда қўшинларнинг жанговар руҳи ва салоҳиятини юксалтириш, хорижий армияларнинг илғор тажрибасини ўрганиш асосида қўшинларнинг жанговар шайлиги ва маҳоратини ривожлантириш ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, Қуролли Кучлар тузилмалари билан ҳамкорликни кучайтириш, биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги ва мувофиқлигини ошириш, юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини мунтазам такомиллаштириш, ўқув жараёнига ҳарбий тайёргарликнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш бўйича тизимли ишлар қилинади.

Буларнинг барчаси мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ҳамда касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам энг муҳим ва устувор вазифалардан бўлиб қолишига ишорадир.

БИЗ ВА ДУНЁ

# ЎЗБЕКИСТОНГА ХОРИЖ САРМОЯСИНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

## Хорижий ОАВ Ўзбекистон Президентининг Янги йил табриги ҳақида

**Бошланиши 1-бетда**

*Жумладан, етакчи хорижий оммавий ахборот воситалари давлатимиз раҳбарининг Янги йил байрами муносабати билан йўллаган табригида қайд этилган истиқболдаги муҳим режалар ва 2024 йилга берилган номнинг аҳамиятини кенг ёритмоқда. Нашрларга кўра, бу Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш суръатлари ошишидан нишонадир.*

Хусусан, **Словакиянинг оммабоп ва нуфузли “Финансовая газета”сида** “Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йилни Ўзбекистонда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилди” сарлавҳали мақола чоп этилди.

“Comenius Analytica” таҳлилий маркази бош директори ва нашр муҳаррири Владо Бачишиннинг мазкур материалда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида билдирилган самимий тилаклар ва мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича муҳим ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти батафсил таҳлил қилинган.

“Янги йилда Ўзбекистонга хориж сармоясини жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулкчилик учун кенг имкониятлар яратиш фаоллашади, — деб ёзган муаллиф. — Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти мамлакат халқига йўллаган Янги йил табригида айтиб ўтди”.

“Финансовая газета”да эълон қилинган мақолада таъкидланганидек, жорий йилда республикада илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш давлат раҳбариятининг эътибор марказида бўлади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори кўпайтирилади. Хотин-қизлар ва нуронийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилади. Ижтимоий соҳалар ривожи мутлақо янги босқичга кўтарилади.

“Ўзбекистон етакчиси 2023 йил эл-юрт учун қут-баракали ва омадли келганини айтиб ўтди. Энг муҳими, юртда тинчлик-осойишталик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм сураётгани алоҳида урғуланди”, деб ёзган Владо Бачишин.

**Кувайтнинг етакчи “Q8 Press” электрон нашрида** “Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йилни Ўзбекистонда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилди” сарлавҳали мақола жойлаштирилди. Кувайт нашрининг қайд этишича, Ўзбекистон ҳукумати хорижий сармояларни жалб қилишни фаоллаштиришни режалаштирмоқда. Бу қадам тадбиркорлик ва хусусий мулкчилик учун кенг имкониятлар яратишга қаратилган. Хорижий сармояга эътибор иқтисодий ўсишни рағбатлантириши ва бизнесни кенгайтириш учун зарур капитални таъминлаши кутилмоқда.

Ушбу стратегия аҳолининг турмуш даражасини ва иқтисодий барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Ҳукумат томонидан аёллар, кексалар ва муҳтожларни қўллаб-қувватлаш давом эттирилади. Бу мажбурият ҳукуматнинг ижтимоий адолат ва фаровонликни таъминлашга содиқлигини билдиради.

**Давлатлараро “Мир 24” телеканали сайтида** ушбу мавзуда эълон қилинган мақолада “Ўзбекистон Президенти янги 2024 йилда мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратиш янада кучайтирилишини таъкидлади”, дейилади.

**Россиянинг машҳур “ТАСС” ахборот агентлиги** давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида қайд этилган янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ошириш бўйича режалар ҳақида ёзди.

“Инсон қадрини улуғлаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодиёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир. Шу мақсадда 2024 йилни мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилдик”, дея Ўзбекистон Президенти сўзларидан иқтибос келтирган агентлик.

**“Дунё” АА**

Ислоҳот одимлари

# ДАВЛАТОБОД ТУМАНИ КОРРУПЦИЯСИЗ ҲУДУД БЎЛА ОЛАДИМИ?

**Дониёр ЭРМАТОВ,**
***Наманган вилояти ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи***

**Наманганда ўтган йил 20 ноябрдан 20 декабргача белгиланган аксилкоррупция ойлиги ниҳоясига етди.**
**Мамлакатимизда жаҳон миқёсида глобал муаммо саналган коррупцияни жиловлаш бўйича 2020 йил 29 июнда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Фармон ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган.**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг ўтган йил 23 августдаги мажлисида Наманган шаҳри таркибидаги Давлатобод туманида “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишларни кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида муҳокама қилиш кўзда тутилган эди. Шунингдек, 16 та банд, 40 та йўналишдан иборат ушбу лойиҳада коррупцияга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш чоралари белгиланганди. Бу лойиҳанинг аввалгисидан фарқи шундаки, у аҳоли, корхона ва ташкилотлар хизматчиларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида ишлаб чиқилди.

Яқинда туман сектор раҳбарлари амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот берди.

Маълум бўлишича, ўтган йилда туманда иккита коррупциявий жиноят содир этилган. 2022 йили бундай жиноятлар сони олтита эди. Кўриниб турибдики, жиноят сони 60 фоиздан кўпроққа камайган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жиддий профилактик тадбирлар туфайли бюджет ташкилотларида молиявий хато ва камчиликлар барвақт аниқланиб, қарийб 600 миллион сўм миқдоридаги бюджет маблағлари нотўғри сарфланишининг олди олинди. Матбуот анжуманида масъуллар журналистлар, ижтимоий тармоқ ва кенг жамоатчилик вакилларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Туман ҳокимининг ўтган йил 8 майдаги қарорига мувофиқ, ҳокимлик ҳузурида фаоллардан иборат Жамоатчилик кенгаши тузилган ва унинг низоми, 11 кишилик аъзолари тасдиқланган. Туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар ва адлия бўлими, Президент Халқ қабулхонасида фуқароларни қабул қилиш хоналари намунавий даражада жиҳозланган, хоналарга кузатув камераси ўрнатилган. Давлат харидлари ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш борасида очиқлик ва шаффофликка алоҳида эътибор қаратилган.

> **Туман ҳокимининг ўтган йил 8 майдаги қарорига мувофиқ, ҳокимлик ҳузурида фаоллардан иборат Жамоатчилик кенгаши тузилган ва унинг низоми, 11 кишилик аъзолари тасдиқланган.**

Туман ИИБ ҳисобидаги 34 нафар профилактика инспекторининг барчаси электрон тартибда ишлаши учун замонавий планшет билан таъминланган. Айни кунларда уларга “боди” камера берилябти. Туман прокуратураси суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда коррупциявий мурожаатлар, маъмурий ва жиноят ишларининг ҳисоботини доимий ўрганиб боришни йўлга қўйди. Шунингдек, туман ИИБ Давлатободда содир этилган коррупциявий жиноятлар рўйхатини, қиёсий-таҳлилий маълумотларни мунтазам янгилаб боряпти.

Дарвоқе, ўтган йилнинг 11 ойида Давлатобод туманида коррупция билан боғлиқ иккита жиноят, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида 162 та ҳуқуқбузарлик қайд этилган. Жумладан, туман солиқ инспекциясининг ҳисобни юритиш ва бюджет даромадларини прогнозлаштириш шўъбаси давлат солиқ бош инспектори ҳамда “Агробанк” Давлатобод филиали бошқарувчиси собиқ ўринбосарига Жиноят кодексининг 209- ва 210-моддалари билан жиноий иш қўзғатилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни кучайтириш ниятида тумандаги Орзу, Нуробод, Гулшан, Мустақиллик, Порлоқ, Халқлар дўстлиги, Тўқувчи, Давлатобод, Истиқлол ва Ирвадон маҳаллаларидаги одамлар гавжум масканларга тарғибот баннерлари ўрнатилди. Истиқлол, Мустақиллик ва Порлоқ маҳаллаларининг марказий чорраҳаларидаги лед мониторли экранларда ҳар куни видеороликлар намойиш қилинмоқда. Шунингдек, савдо марказлари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, “Яшил” деҳқон бозори ва “Ғирвон” савдо комплекси атрофига ушбу иллатга қарши курашишга чорловчи материаллар жойлаштирилган.

Давлат хизматчилари хизмат хонасига коррупциянинг оғир оқибатларидан таъсирчан хабардорликка ундовчи фуршетка, флаер ва тарғибот кўргазмалари ўрнатилди. Коррупцияга учраган вазиятларда мурожаат юбориш мумкин бўлган алоқа каналлари рўйхати туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилган.

Бундан ташқари, шу кунларда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жойларга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 19 декабрь куни Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимидаги нутқи мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган муҳим ташаббусларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилмоқда.

**Тараққиёт йўли**

# ҒОЯЛАР иқтисодиёти

## УНИНГ ОДАМЛАР ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ



**Исмоил САЙФНАЗАРОВ,**
***фалсафа фанлари доктори, профессор***

**Бошланиши 1-бетда**

Энг муҳими, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга халқимиз тўлиқ ишонч билдириб, фаол иштирокчига айланмоқда. Ўтган йилги референдумда аҳолининг Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни қўллаб-қувватлагани фикримизга яққол мисол бўла олади.

2023 йил 27-28 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Миср, шунингдек, Жанубий-шарқий Осиё, Европа Иттифоқи, МДҲ, Яқин Шарқ мамлакатларидан 2,5 мингдан зиёд йирик инвестор ва юқори мартабали меҳмон иштирок этди. Бундай тадбирлар иқтисодиётимиз учун зарур истиқболли лойиҳаларнинг тақдимот платформаси бўлиб хизмат қилади. Хорижлик сармоядорларга юртимиздаги имкониятлар, хорижий инвесторлар учун яратилган шароитлар ва жозибадор йўналишлар яна бир бор таништирилди. Анжуман доирасида умумий қиймати 11 миллиард долларлик келишув ва шартномалар имзоланди. Уларни вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган "Йўл харитаси"да ҳар бир лойиҳанинг ижрочиси ва бажарилиш муддати аниқ белгилаб қўйилди. Бундай ҳужжатлар келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Турли инвестициявий лойиҳалар шаффофлиги ва мазкур йўналишда бюрократик йўллардан қочилаётгани эса хорижий инвесторларда Ўзбекистонда бизнес қилиш истагини ошираётир. Бугун дунёда ўзаро ишонч йўқолган бир пайтда сармояларни жалб қилиш осон эмас. Бунинг учун уларга маъқул келадиган ислоҳотлар ўтказиш керак. Ўзбекистон бу йўлда жиддий қадамлар ташлади. Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар давом эттирилди.

Жумладан, минтақамиздаги энг қулай фискал тизимни яратиш бўйича катта қадамлар ташланди. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини экспортчи корхоналарга 7 кун ичида қайтариш жорий қилингани, солиқ ва божхонада ўзаро ҳисобга олиш йўлга қўйилгани тадбиркорларга енгиллик берди.

Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан оладиган дивидендлари уч йил муддатга солиқдан озод қилинди, улар учун фойда солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Муҳими — солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсати юритса, иқтисодиёти барқарор ўсишига эришган. Инвестиция — иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги. Биз фақат инвестицияни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Бу ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўриш энг долзарб масалалардан бири.

2018 йил 1 августда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, юртимизга инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилди. Корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдори 30 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талаб ҳам бекор қилинди. Бундай корхоналар устав фондининг энг кам миқдори 600 миллион сўмдан (камида 76 минг доллар) 400 миллион сўмгача (50 минг долларга) камайтирилди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳаларига катта миқдорда инвестиция киритган чет эл фуқароларига фахрий фуқаро мақомини бериш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар киритиши белгиланди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш, кўчмас мулк объектлари (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар)ни қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш тартиби белгиланди. Бундан ташқари, "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонун асосида инвесторлар учун солиқ юкини пасайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган солиқ сиёсати ва солиқ-тариф бошқаруви ислоҳотлари жадал суръатларда кечмоқда.

Ривожланган мамлакатларда тўпланган бой тажриба, амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган қарорлар ва чора-тадбирларнинг туб моҳиятини ўрганиш, ютуқ ва камчиликларини илмий жиҳатдан танқидий таҳлил қилиш миллий иқтисодиётимиз тараққиёти учун ҳар томонлама дастак вазифасини ўтайди. Бинобарин, халқаро майдонда мавжуд бой тажриба, замонавий тенденциялар йилдан-йилга такомиллашиб, ўзгариб бормоқда. Хусусан, инвестиция жалб этиш, экспорт ва импорт қилиш, инвесторлар манфаатларини ҳимоялаш, инвестицион фаоллик ва рақобатбардошликни ошириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласига киради. Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда. Ривожланган давлатларда инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратилмоқда.



Ўзбекистонда қулай инвестиция иқлими яратилиши учун хорижий инвесторларга турлича молиявий имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилган, бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Ушбу ислоҳотлар дастурлари давлат ва жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олиб, қонун устуворлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, коррупцияга қарши кескин курашиш каби муҳим йўналишларни ўзида мужассам этган.

**"ЎЗБЕКИСТОН — 2030" СТРАТЕГИЯСИГА МУВОФИҚ, 2026 ЙИЛГА ҚАДАР КАМБАҒАЛЛИКНИ 2022 ЙИЛГА НИСБАТАН 2 БАРОБАРГА, 2030 ЙИЛГА ҚАДАР ЭСА КЕСКИН ҚИСҚАРТИРИШ МАҚСАД ҚИЛИНГАН.**

Хусусан, 2017 йилда миллий валютамиз — сўмнинг эркин конвертацияси жорий этилиб, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ барча чекловлар олиб ташланди. Банк ва йирик корхоналаримиз илк марта халқаро рейтинглар олиб, жаҳон молия бозорларига чиқди. Дунё бозорларига миллий валютамизда ҳам халқаро облигациялар чиқарилди. Банк-молия ислоҳотлари тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Инвестиция оқими мамлакатнинг очиқлигига ҳам боғлиқ. Очиқлик сиёсатини таъминлаш учун 90 та давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имконияти яратилди. Яна 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса енгиллаштирилган тартибда виза олиш йўлга қўйилди. Бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон минтақадаги энг очиқ давлат мақомини қўлга киритди.

Инвесторлар коррупция кенг томир отган давлатга бормайди. Шунинг учун юртимизда бу борада катта ишлар қилинмоқда. Глобал миқёсда коррупцияга қарши курашда эришилган ютуқлар учун халқаро мукофотни топшириш тантанали маросими Тошкентда ўтказилгани ҳам охирги йилларда коррупцияга қарши курашга қаратилган ислоҳотнинг эътирофи, дейиш мумкин. Бу эътироф Ўзбекистонга халқаро ишонч янада мустаҳкамланиши, инвесторлар оқими кўпайиши, иқтисодиёт гуркираб ривожланишига туртки беради.

Солиқ сиёсати ҳам бизнес соҳасини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага туширилди. Мол-мулк, шахсий даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари икки баробар пасайтирилди. Импорт бўйича 6 мингга яқин бож ставкаси камайтирилди. Ўтган 6 йил ичида 200 га яқин лицензия ва рухсатнома бекор қилинди ёки соддалаштирилди. Натижада Ўзбекистоннинг минтақадаги иқтисодиёти энг юқори диверсификация қилинган мамлакат сифатидаги мақоми янада мустаҳкамланди. Бир йилнинг ўзида 100 мингга яқин янги корхона ташкил қилинди, киритилган хорижий сармояларнинг йиллик ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки ислоҳотлар бошланган 2017 йилдагидан 3 баробар ошди.

"Ягона дарча" тамойили асосида хорижий инвесторлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилди. Натижада иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициянинг умумий ҳажми охирги беш йилда 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобидан 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни яратишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Шунингдек, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, электротехника, кимё ва нефть кимёси, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати ва бошқа кўплаб соҳалардаги қайта ишлаш даражасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга эришилди.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта камбағалликни бартараф этиш сиёсатимизнинг асосий мақсадларидан бирига айлантирилди. Ушбу йўналишда алоҳида стратегия қабул қилинди. Ўзбекистон заминида камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форумлар ўтказилди. БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус доирасида ўтказилган мазкур тадбирлар камбағалликни қисқартиришга қаратилган янги ғоялар ва амалий чоралар ишлаб чиқиш бўйича фойдали халқаро мулоқот майдонига айланди. Мазкур платформа юртимизда камбағалликни қисқартириш мақсадида бошланган улкан ислоҳотларни янада бойитиб, катта ижобий ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида 2022 йилда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга пасайиб, 1 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилганини келтириш мумкин. Ўтган йили ҳам бу борадаги ишлар тизимли давом эттирилди. Эътиборли жиҳати, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ, 2026 йилга қадар камбағалликни 2022 йилга нисбатан 2 баробарга, 2030 йилга қадар эса кескин қисқартириш мақсад қилинган. Ваҳоланки, ислоҳотлар бошланган даврда бу кўрсаткич 30 фоиздан юқори эди. Бундай натижаларга эришишимизда аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ва узоқни кўзлаган сиёсат ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш орқали 2 миллион 300 мингдан зиёд муҳтож оила, хотин-қиз, ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс ижтимоий ҳимоя билан тўлиқ қамраб олинди. Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани мустаҳкамланиб, инсон қадрини янада улуғлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг конституцион мажбуриятлари алоҳида муҳрлаб қўйилди. Шу боис, камбағалликни қисқартириш борасида бошлаган кенг кўламли ишлар янги босқичга олиб чиқилиб, бундан буён ҳам барча йўналишларда "инсон — жамият — давлат" тамойили асосида қатъий давом эттирилади. Энг аввало, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш драйвери бўлган хусусий сектор ва тадбиркорларни изчил қўллаб-қувватлаш давлатнинг доимий эътибор марказида бўлади.



Хусусан, ишсиз фуқароларни ўқитиш ва ишга жойлаш ташаббусини билдирган фаол тадбиркорларга "ижтимоий контракт" тизими асосида қўшимча имтиёзлар пакети тақдим этилади. Иккинчидан, "ижтимоий реестр" тизими доирасида камбағал оилаларни индивидуал ёндашув асосида манзилли қўллаб-қувватлаш дастурлари жадал давом эттириляпти. Учинчидан, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар, нуронийлар, алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламларига маҳалланинг ўзида юздан ортиқ ижтимоий хизматни кўрсатиш йўлга қўйилади. Тўртинчидан, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш мақсадида аҳолининг ўзи танлаган лойиҳаларга "очиқ бюджет" тизими орқали ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин кўпайтирилади. Бешинчидан, инсон капиталини ривожлантириш учун ҳар бир шахснинг сифатли таълим ва тиббиёт хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган ишлар тобора кенгайтирилмоқда.

Умуман олганда, ислоҳотлар ижобий самара бермоқда. Бу фикрни ислоҳотларнинг дастлабки йиллардаёқ иқтисодиётнинг йиллик ўртача ўсиши 5 фоизни, саноат соҳасида эса 8 фоизни ташкил этгани ҳам тасдиқлайди. Олтин-валюта захиралари эса 27 миллиард доллардан 35 миллиард долларга етди.

Энг катта ва муҳим ютуқ эса Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг ортга қайтмайдиган муқаррар тус олганидир. Эътиборлиси, "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" тамойили асосида ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегияси мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти ва инсон капиталини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвестор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлиги ва гендер тенгликни таъминлаш каби муҳим вазифаларга қаратилгани билан ажралиб туради.

"Инсон қадри учун" ғоясини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган стратегия пировардида иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар қилиш ва рақамлаштиришни жорий этиш орқали бизнес учун янада қулай шароит яратиш, давлат бошқаруви тизими натижадорлигини ошириш орқали ишбилармон ва тадбиркорларга кўмак берадиган, ихчам ва юқори самарали ҳукумат тизимини ташкил этишга хизмат қилади.

Бу йўлда давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартириш, сармоядорларни иқтисодиётнинг кенг тармоқларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари кўмагида давлат активларини хусусийлаштириш орқали 2026 йилга қадар эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳисобидан 25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополияни тугатиш, тижорат банкларида трансформация жараёнини давом эттириб, банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизга етказиш, давлат иштирокидаги корхоналар сонини камида 3 баробар қисқартириш режалаштирилган.



Хорижий инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик механизмини жорий этган ҳолда, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилмани ривожлантириш ва йўл қурилиши соҳаларида умумий қиймати 15 миллиард долларлик 200 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш мақсади илгари сурилган.

Ўзбекистон жаҳон бозорига катта миқдорда маҳсулотлар чиқаришни мақсад қилган. Бунда яқин йилларда Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирнинг ўзида юртимизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркин савдо орқали 280 миллион истеъмолчиси бўлган минтақавий бозорларга чиқяпти. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг кенгайтирилган преференциялар тизими — "GSP +" доирасида 6 мингдан ортиқ турдаги маҳсулотни Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, миллий экспортчиларимизга қўшимча имкониятлар яратиш учун ҳозир Ҳиндистон, Туркия, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан имтиёзли ва эркин савдо битимларини имзолаш бўйича аниқ чоралар кўрилаётир.

Умуман олганда, ислоҳотлар натижасида келгуси 5 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизга етказилади. Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб, аҳолиси ўртачадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олишига эришиш мақсад қилиб қўйилган экан, ортга қайтмас ислоҳотлар ушбу улуғвор мақсадларга эришишда йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

Жаҳонда бошқарув ишларининг ихтисослашуви таъсирида консалтинг хизматларига бўлган талаб сезиларли равишда ўсиб боряпти. Жумладан, 2023 йилда менежмент бўйича консалтинг йўналиши тахминан 330 миллиард долларга баҳоланмоқда. 2025 йилга бориб, мазкур хизмат қиймати 343,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 5 январь, 3-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Консалтинг хизмати

# МАВЖУД ВАЗИЯТДА МАҚБУЛ ЕЧИМ ҚАНДАЙ ТОПИЛАДИ?





**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
*иқтисодий шарҳловчи*

Бошланиши 1-бетда

**Хуллас, навбатдаги мавзумиз маслаҳат, яъни унинг замонавий ифодаси бўлган (инглизча consulting) консалтинг хизмати ҳақида. Айтиш керакки, бунда асосий мақсад мавжуд вазиятда мақбул ечимни топишга қаратилади. Бу, ўз навбатида, корхона ёки тадбиркорлик субъектининг иқтисодий, сармоявий, бошқарув самарадорлиги, бозорни ўрганиш ва прогнозлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишига имкон беради. Кенг маънода интеллектуал фаолият тури сифатида таҳлил қилиш, мижозларнинг муаммоларини ҳисобга олган ҳолда, илмий, техник ва ташкилий-иқтисодий янгиликларни ривожлантириш ҳамда улардан фойдаланиш истиқболларини асослашдан иборатдир.**

## ГЛОБАЛ ЎСИШ ОМИЛЛАРИ

Мутахассисларнинг таҳлилича, консалтинг хизматлари, аллақачон жаҳон индустриясининг таркибий қисмига айланган ва айни пайтда юксалиш жараёнида. Консалтинг индивидуал фаолиятдан индустрияга айланишининг асосий белгиларидан бири хизматларнинг катта қисми индивидуал маслаҳатчилар эмас, балки корпорациялар томонидан (консалтинг фирмаси) тақдим этилаётгани билан изоҳланади. Бу соҳа кўпроқ Шимолий Америка (АҚШ ва Канада), Ғарбий Европа, Япония, Австралия, Янги Зеландия ва Сингапурда ривожланган. Аммо консалтинг фирмалари жаҳоннинг деярли ҳамма минтақасида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда иккита етакчи халқаро касбий (профессионал) консалтинг фирмалар бирлашмаси мавжуд. Биринчиси, Иқтисодиёт ва бошқарув бўйича консультантлар ассоциациясининг Европа федерацияси бўлиб, унга 1960 йилда Парижда асос солинган. 1991 йилда унинг штаб-квартираси Брюсселга кўчирилган. Европа мамлакатларининг 25 миллий ассоциацияси (Ғарбий Европа мамлакатларидан 17 та, Марказий ва Шарқий Европа давлатларидан 8 та) мазкур федерация аъзолари ҳисобланади.

Иккинчиси, Менежмент-консалтинг фирмалар ассоциацияси. У 1929 йилда ташкил этилган ва дунёда энг эски консалтинг уюшмаси ҳисобланади. АҚШ консалтинг фирмалари миллий ассоциацияси 1990 йил ўрталарига келиб, ўзини халқаро ассоциация сифатида таклиф этди ва номини "Бутунжаҳон консалтинг фирмалар ассоциацияси" деб атади. Иқтисодиёт ва бошқарув бўйича консультантлар ассоциацияси Европа федерациясидан фарқли равишда ҳозирча миллатлараро эмас, балки трансмиллий бирлашмадир. Чунки унинг халқаро мақоми шунга асосланган, йирик Америка консалтинг фирмалари аъзо ҳисобланади. Улар дунёнинг барча минтақаларида ўз филиалларига эга.

— Бугунги кунда дунёда консалтинг хизматининг турли йўналишлари мавжуд, — дейди Тошкент давлат транспорт университети катта ўқитувчиси Шаҳноза Холбўтаева. — Консалтинг ташкилотлари ўз табиатига кўра хилма-хил бўлиб, умумий ҳолда қуйидаги фаолият турларини ўз ичига олади: бошқарув консалтинги, стратегик режалаштириш, молиявий, инвестицион, HR (кадрлар), инжиниринг, ахборот технологиялари, лойиҳаларни бошқариш, аудит ва баҳолаш, бизнесни режалаштириш, маркетинг консалтинги ва бошқалар.



Жаҳонда бошқарув ишларининг ихтисослашуви таъсирида консалтинг хизматларига бўлган талаб сезиларли равишда ўсиб боряпти. Жумладан, 2023 йилда менежмент бўйича консалтинг йўналиши тахминан 330 миллиард долларга баҳоланмоқда. 2025 йилга бориб, мазкур хизмат қиймати 343,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Молиявий ва операцион консалтинг хизматлари бошқаларига нисбатан жадал ўсмоқда. Масалан, 2022 йилда, HR (кадрлар), инжиниринг, ахборот технологиялари консалтинги соҳадаги умумий хизматларнинг 56 фоизини ташкил этган.

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби консалтинг хизматида ҳам йирик, ўрта ва кичик компаниялар мавжуд. Олиб борилган таҳлиллар йирик консалтинг компанияси 3 мингдан 30 минггача мутахассисга эгалиги ва йиллик даромади 68 миллиондан 3 миллиард долларгача эканини кўрсатди. Шунингдек, ўртача консалтинг компанияси 100 мингдан 300 мингга яқин ходимни иш билан таъминлайди ва йиллик даромади ўртача 20 миллион долларни ташкил этади. Тахминан 4 минг профессионал маслаҳатчига эга ва йиллик даромади ярим миллион доллардан ортиқ бўлмаган фирмалар кичик ташкилотлар сирасига киради.

## ИМКОНИЯТ КАТТА, ХИЗМАТЛАР ЕТАРЛИ ЭМАС

Хизматлар иқтисодиётнинг муҳим қисми. Дунёда сервис соҳасининг ЯИМдаги улуши ўртача 60 фоиздан ортиқ.

Президентимиз раислигида 2023 йил 18 декабрь куни ҳудудларда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизматларни ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида хизматлар соҳасида ҳали имкониятлар кўплиги таъкидланди. Айниқса, Гулистон, Нурафшон, Янгиер, Янгийўл, Термиз, Хонобод, Нукус, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарларида ўсиш 10 фоиздан кам, Пешку, Учкўприк, Асака ва Пискент туманларида 4 фоиз ҳам бўлмагани қайд этилди.

— Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда 2014-2022 йилларда хизматлар улуши, жумладан, консалтинг хизматлари улуши ҳам ошиб борган, — дейди Шаҳноза Холбўтаева. — Хусусан, 2014 йилда жами хизматлар ҳажми ЯИМнинг 34 фоизини, консалтинг хизматлари эса 0,27 фоизини ташкил этган. 2022 йилга келиб, консалтинг хизматлари ЯИМнинг 0,8 фоизига тенг бўлган.

Таклиф этилган консалтинг хизматларининг биринчи йўналиши солиқ ва аудит ҳисобланади. Айни пайтда давлат ташкилотларининг хусусийлаштириш жараёнига ҳуқуқий томондан кўмаклашувчи консалтинг фирмаларига бўлган талаб ҳам ошиб борди. Ходимлар сони икки-уч кишидан иборат бўлган фирмалар, асосан, солиқлар ва уларни мақбуллаштириш, корхона ҳамда фирмаларни рўйхатдан ўтказиш каби фаолият билан боғлиқ хизматларни таклиф этган.

Мамлакатимиздаги консалтинг хизмати шаклланишининг ўзига хос жиҳати шундаки, у дунёдаги мазкур бозор ривожланишининг классик босқичларини (ҳуқуқий, ташкилий, бошқарув ва консалтинг "олтин даври") четлаб ўтди. Бозорлар глобаллашуви, инновация интенсивлиги сезиларли ўсиши, ишлаб чиқариш компьютерлаштирилиши миллий консалтинг бозорининг турли йўналишларда ривожланиши жадаллашишига сабаб бўлди. Хусусан, ахборот технологиялари консалтинги, инновацион, маркетинг, молиявий ва бошқа йўналишлар кенгайиб борди.

Ички бозорда консалтинг хизматларини шакллантириш иккита йўналишда, яъни ишлаб чиқариш



(лаборатория, дизайн бюролари) ва асосан, янги ёки қўшимча амалиёт таклиф этувчи тузилмалар ҳисобига таъминланяпти. Биринчи йўналиш бўйича бозор иқтисодиёти тизимида фаолият олиб борган ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан, асосан, бошқарувни такомиллаштириш юзасидан консалтинг хизматлари амалга оширилган бўлса, иккинчисида нафақат бошқарувни такомиллаштириш, балки товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, ресурслар бозорида амалга ошириладиган олди-сотди жараёнидан бошлаб, то истеъмол бозорида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, қадоқлаш, дизайн, реклама каби хизматлар амалга оширилган.

## ОШКОРАЛИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Тадқиқотларга қараганда, ҳозирги кунда Ўзбекистон консалтинг компаниялари томонидан кўрсатилаётган хизматлар турлари доираси кенгайиб, улар фаолияти ўрта ва йирик бизнес сари юзланяпти. Бу, авваламбор, консалтинг хизматлари соҳасида рақобат ва талабнинг ўсаётганидан далолат беради. Яқин келажакда айрим ҳудудлардаги консалтинг компаниялари сони баъзи йўналишлар бўйича Тошкент шаҳри кўрсаткичларидан ошиб кетиши кутилмоқда. Айни кезда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида консалтинг компаниялар рақобати натижасида уларнинг йириклари кичик фирмаларни сиқиб чиқараётгани кузатилмоқда. Зеро, жами консалтинг хизмат кўрсатувчи компанияларнинг 70 фоиздан ортиғи Тошкент шаҳрида жойлашган. Ундан кейинги ўринни Самарқанд (5 фоиз) ва Наманган (4 фоиз) шаҳарлари эгаллаб турибди.

Хизматларни тақдим этиш алгоритми кўп жиҳатдан соҳани йўлга қўйишдаги ёндашувга боғлиқ. Шунга мувофиқ, консалтинг хизматлари икки гуруҳга бўлинади. Мавзуларга хос таснифлаш (маслаҳат мавзусига қараб) ва услубий (маслаҳат бериш усули) йўналишда иш юритади. Сирдарё вилоятида "Агро омад рейтинг" консалтинг фирмаси анча йиллардан буён иккала йўналишда ҳам фаолият кўрсатиб келади.

— Иш бошлаганимизда соҳамиз янги, фермерлар эса унинг фойдали жиҳатларини унчалик яхши тушунмасди, — дейди фирма раҳбари Йўлдош Наврўзов. — Бу бўшлиқни тўлдириш мақсадида ўқув қўлланмалари, консалтинг хизматларига доир 20 йўналишдаги рисолалар тайёрладик. Янги ахборот-маркетинг технологияларини жорий этиш ва агробизнес самарадорлигини ошириш, фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолияти барқарорлигининг рейтинг даражасини аниқлаш сингари ўнлаб йўналишлар бўйича дастур ва концепциялар ишлаб чиқишга кўмаклашдик.

Рақобатчиларимиз бўлмаса-да, самарали иш юритиш учун талаб ва таклиф муҳити юзага келмаяпти. Чунки биз таклиф этаётган хизматларга ҳудудларда олиб борилаётган ислоҳотлар нуқтаи назаридан, яъни назарий жиҳатдан қаралганда, талаб бордек туюлади, аслида эса амалда жуда секинлик билан шаклланяпти.

Мисол учун, ҳисоб-китоб масалалари бўйича хизмат кўрсатишни олайлик. Гулистон шаҳри тадбиркорлик субъектларининг ҳисобчи мутахассис, бухгалтерлар билан таъминланганлик даражасини ўрганиб чиққанимизда уларнинг 70-75 фоизида ҳисобчилар умуман йўқлиги маълум бўлди. Ваҳоланки, шаҳарда 3 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти бор. Бу ҳолда ушбу субъектлар солиқ ва статистика органларига ҳисоботларни қандай тақдим этиб



келмоқда, деган табиий савол туғилади. Бунинг йўли жуда ҳам осон. Ҳисобчи ҳисоботларни жўнатиб бериш билан шуғулланувчи компьютер хизматлари ёрдамида ёки турли ташкилот ва фирмаларда ишлаётган мутахассисларни ёллаш орқали амалга оширади.

> "ХИЗМАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ АЛГОРИТМИ КЎП ЖИҲАТДАН СОҲАНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДАГИ ЁНДАШУВГА БОҒЛИҚ. ШУНГА МУВОФИҚ, КОНСАЛТИНГ ХИЗМАТЛАРИ ИККИ ГУРУҲГА БЎЛИНАДИ. МАВЗУЛАРГА ХОС ТАСНИФЛАШ (МАСЛАҲАТ МАВЗУСИГА ҚАРАБ) ВА УСЛУБИЙ (МАСЛАҲАТ БЕРИШ УСУЛИ) ЙЎНАЛИШДА ИШ ЮРИТАДИ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА "АГРО ОМАД РЕЙТИНГ" КОНСАЛТИНГ ФИРМАСИ АНЧА ЙИЛЛАРДАН БУЁН ИККАЛА ЙЎНАЛИШДА ҲАМ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИБ КЕЛАДИ."

Қолаверса, Президентимизнинг 2021 йил 7 сентябрдаги "Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида солиқ органларининг тадбиркорлар учун ҳисобот тайёрлашда ёрдам кўрсатиши белгилаб қўйилган.

Бу аслида жуда яхши. Лекин шу ўринда корхонада бухгалтер ҳисобининг яхши юритилмаслиги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятида яширин даромад мавжудлигига боғлиқлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Иш берувчилар унинг ошкор бўлиб қолишидан чўчийдиган томонлари бор.

Масалани қандай ҳал қилиш мумкин? Биринчидан, шаффофликни янада ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчиллигини таъминлаш ва такомиллаштириш зарур. Бунинг учун бир бирлик, масалан, 1 миллион сўмлик маҳсулот ёки хизматлар ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларга тўғри келадиган энг кам ишчи кучи (одам сони) меъёрларини белгилаш орқали жисмоний шахсларнинг реал даромадини шаффофлаштириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сир эмас, фермер ва деҳқон хўжаликларида бухгалтерия ҳисоб-китоби юритилишида маълумотларни умумлаштириш, белгиланган меъёр ва нормалар асосида олиб борилиши, уларнинг шаффофлигини таъминлашда англашилмовчиликлар ҳамда камчиликлар кузатиларди. Президентимизнинг 2018 йил 2 июлдаги "Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни шу жиҳатлар эътиборга олиниб қабул қилинди. Унга асосан, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказлари ташкил этилди. Улар томонидан фермер хўжаликларига консалтинг хизмати ҳам кўрсатилиши белгиланди.

Назаримизда, ҳамкасбларимиз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажара олмаяпти, бунинг учун кўпларининг билими ва малакаси етишмайди. Натижада бундан фермер ҳам, ўзлари ҳам зарур наф кўрмаяпти. Улар фаолиятини тубдан такомиллаштириш вақти келганга ўхшайди. Чунки давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорларига асосан, қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатлари янада ривожланиб боряпти.

## КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА

Президентимиз 2023 йил 1 мартда имзолаган "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан 2023-2025 йилларда ислоҳ қилинадиган ва операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар (31 та) рўйхати тасдиқланди. Мазкур корхоналар устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) UzAssets инвестиция компанияси бошқарувига берилиши белгиланди. Давлат активларини бошқариш агентлиги, тегишли вазирлик ва идораларнинг ўзларига тегишли акция пакетлари (улушлари) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигига ўтказилди.

Агентлик ахборотида "Агар биз хусусийлаштириш ва халқаро молия бозорига чиқиб, у ерда инвесторлар маблағини жалб этишни ният қиладиган бўлсак, потенциал инвесторлар билан улар билган ва ишонган таҳлил қилувчи, молиявий аудит ўтказувчи, юридик ҳолатга баҳо берувчи ва бошқа соҳаларда ўз малакаси ва профессионал билими, турли мамлакатларда ана шу соҳаларда транзакцияларни доимо амалга ошириб келаётган консалтинг компаниялари ёрдамида гаплашишимиз керак", дейилган эди.

Агентлик ОАВга берган изоҳида айтилишича, Deloitte компаниясининг юртимизда ўз ваколатхонасини биринчилар қаторида 90-йилларда очгани, хусусийлаштириш жараёнига катта тўртликдаги KPMG ва Ernst & Young ҳам жалб қилинаётганини қайд этар экан, "Биз ана шу катта тўртликка кирувчи ва бошқа дунёга танилган консалтинг корхоналари билан турли тендерлар ва очиқ танловлар асосида иш олиб боришга интиламиз. Ҳеч бир консультантга алоҳида преференция берилмайди", дейди.




— Мамлакатимизда ҳам дунёдаги консалтинг хизматларининг аудиторлик ва солиқ хизматлари, ҳуқуқ ва баҳолаш хизматлари, турлари кенг тарқалган бўлиб, уларнинг бозордаги улуши, кичик ва ўрта компаниялар салмоғи ҳам кенг миқёсга эга, — дейди Шаҳноза Холбўтаева. — Аммо бизда ҳозирча жаҳон миқёсида хизмат кўрсатадиган йирик консалтинг компаниялари мавжуд эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистонда консалтинг хизматларининг умумэътироф этилган классификатори ҳам йўқ.

Глобаллашув ва иқтисодий тизимларнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёни ўсиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, консалтинг соҳасида ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларни тартибга солиш ҳамда меъёрни белгилашда мамлакатимиз ўз амалиётини ривожлантириши муҳим ҳисобланади. Бунинг учун соҳада мавжуд хорижий тажрибадан фойдаланиш ва ташкилотлар ҳамда давлат тузилмалари ўртасида тажриба алмашиш, кенг халқаро ҳамкорлик доирасида халқаро консалтинг компанияларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мамлакатда бутун консалтинг хизматларини тақдим этиш жараёнини ҳисобга олиб, тизимлаштирилган қонунчиликни ишлаб чиқиш зарур.

Демак, бугунги кунда маслаҳат (аудит ва баҳолаш) хизматларини тартибга солиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шаклланганига қарамай, консалтинг фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун "Консалтинг фаолияти тўғрисидаги" қонунни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи кун тартибига қўймоқда.



**2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили**

# МАСЪУЛИЯТ, ҲАМНАФАСЛИК ВА РАҒБАТ

## ТАШАББУСКОР ЁШЛАРНИ ЮРТИМИЗ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНТИРАДИ

**Алишер ЮНУСОВ,**
***Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти директори ўринбосари, социология фанлари номзоди, доцент***



**Бошланиши 1-бетда**

Давлат бошқарувининг муҳим поғонаси бўлган Олий Мажлисдан тортиб, вазирликлар, идоралар, ижро ҳокимияти органлари бугун энг қуйи даражадан бошлаб ёшлар билан ишлаш амалиётига ўтди. Бу эса ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижа кўрсатиши тобора яқинлашаётган бир паллада бу ютуқларни қабул қилиб оладиган ва ривожлантирадиган, қолаверса, мамлакатни тараққиётнинг янги поғоналарига кўтарадиган ёшларимизнинг ҳозирги интилиши қандай? Уларга баҳо беришда қандай тамойилларга асосланамиз? Бу саволларга жавоб бериш учун умумий тараққиёт масалаларини ҳам эсдан чиқармаслик керак, албатта.

Бир тарафдан саноатлашув ва халқаро савдо борасида динамик ривожланаётган, бошқа тарафдан эса маданият ва ахборот соҳасида глобаллашув жараёнига жадал кириб бораётган Ўзбекистон жамияти қадриятлар борасида чуқур трансформациялашувни бошдан кечирмоқда. Ижтимоий қатламларнинг шаклланиши кучая бориши билан иқтисодий қувватли ижтимоий қатлам шаклланмоқда. Иккинчи тарафдан эса бунинг акси бўлган турли маргинал гуруҳларнинг пайдо бўлиши кузатилмоқда. Бу жараён ёшларнинг маънавий қиёфасига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши табиий. Жумладан, ёшлар орасида сақланиб қолаётган, кўпгина ҳолларда кучайиб бораётган, умуминсоний қадриятларга зид зарарли одатлар ҳамда иллатларда ўз аксини топмоқда. Бу вазият бозор муносабатларининг оқибати, қадриятлар алмашинуви жараёнида юзага келадиган табиий ўзгаришлардир. Айни вақтда ёшлар билан ишлаш тизими уларнинг ижтимоий масалалари ечимига қанчалик ҳамоҳанглиги долзарб масала.

Бу ҳолатда ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигига яна бир бор назар ташлашга зарурат сезилмоқда. Мамлакатда ёшлар бўйича қилинаётган ишларнинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилгани ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари, масъул давлат идоралари ваколатлари, нодавлат ташкилотларнинг жараёндаги иштирокини таъминлаш ҳамда давлат идоралари билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам қатор моддалар ёшларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу билан ёшлар борасидаги давлат сиёсати конституциявий мақомга эгалиги назарда тутилди, бошқа барча қонунлар айнан шу қоидалардан келиб чиқиши лозимлиги қатъий белгиланди.

2016 йил 14 сентябрда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Кейинги йили мамлакатимизда 30 июнь Ёшлар куни деб эълон қилинди. Мазкур санада мамлакат ёшларининг Президент билан тўғридан-тўғри мулоқоти йўлга қўйилиши анъанага айланди. Ёшлар ўз ютуқлари билан бирга мавжуд муаммоларини шахсан давлатимиз раҳбарига етказиш имкониятига эга бўлди. Бу ёшлар ва Президент ўртасида ўзаро ишончга асосланган илиқ ва самимий муносабат ўрнатилганидан далолат.

Бундан ташқари, ёшлар бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди, мавжуд механизмлар такомиллаштирилди. Бу тизим йўлга қўйилиши биланоқ мазкур йўналишда туб ўзгаришлар яққол кўзга ташланди, ёшларда давлат сиёсатига ишонч орта бошлади, уларнинг янада фаоллашувига кенг йўл очилди.

Президентимизнинг "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, ўғил-қизлар билан ишлашнинг янги — вертикал тизими яратилди. Бунинг натижасида, энг аввало, ёшлар мурожаатини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга, ёрдам кўрсатиш 40 кундан 16 кунга қисқартирилди. Бу билан олдингидек ёшларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юриши, мурожаатларининг ойлаб эътиборсиз ташлаб қўйилишига барҳам берилди.

Яна бир ташаббус сифатида Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси юртимиздаги қарийб барча маҳаллани қамраб олди. Халқнинг розилигини олиш, аҳоли, жумладан, ёшлар муаммоларини жойида ҳал этиш, улар билан ишлашнинг яхлит вертикал "маҳалла — туман — вилоят — республика" бошқарув тизими самарадорлигини янада ошириш бу фаолиятнинг асосий мақсадидир. Жараёнда комиссия аъзолари энг оғир, энг чекка ҳудудларда маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча, уйма-уй юриб, ёшлар билан мулоқот қиляпти. Уларнинг қизиқиши, ижтимоий кайфияти ўрганилиб, муаммолари эса имкон қадар жойида бартараф этилмоқда. Бу ислоҳотлар ва давлат сиёсатига



*Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.*

ишончнинг ортишига, ижтимоий кайфиятнинг кўтарилишига ҳамда ҳаётдан рози бўлиб яшашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб, "Ёшлар баланси" асосида "7+2" тамойилига кўра 396 минг (4 фоиз) "оғир" тоифадаги ёшлар вазирлар, вазир ўринбосарлари, вилоят, туман, шаҳар ҳокими, сектор раҳбарлари, олий ўқув юртлари ректори, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига номма-ном бириктирилиб, улар билан манзилли ишлаш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Энг асосийси, давлат идораларининг ёшлар олдидаги масъулияти янада оширилди. Энди улар ёшлар билан ҳамнафас бўлиб, муаммоларга биргаликда ечим излашга ўрганди. Биргина мисол: ёшлар етакчилари тавсияси асосида давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам турлари 11 тадан 25 тага етказилди. Бундай ёрдам турларини қўллашда турли давлат идоралари билан ёшлар етакчилари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу борадаги ишларни аниқ ва "эгасини топиб" бажариш учун эса "Ёшлар баланси" шакллантирилди, унга мамлакатимиздаги 14-30 ёшдаги 9,1 миллион ўғил-қиз қамраб олинди.

Бу саъй-ҳаракатлардан асосий мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар қатламини фаол қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва сақлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, қолаверса, Конституциямизда белгиланган ижтимоий давлат тамойилини рўёбга чиқаришдир. "Ёшлар дафтари" тизими, шунингдек, тадбиркорлик учун кредит ва экин майдонлари ажратиш орқали 467 мингдан зиёд уюшмаган, ишсиз, жиноятчиликка мойил, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва тадбиркорлик қилиш истагидаги йигит-қизлар бандлиги таъминланди ва ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал этилди.

Давлатнинг юксак тараққий этиши, халқининг фаровонлиги ёшларга яратиб бериладиган имконият ва қулайликлар билан баҳоланади. "Ёшлар дафтари"га киритилган 311 мингдан ортиқ ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг 275 мингдан зиёди қўллаб-қувватланиб, уларга "Ёшлар дафтари" жамғармаси ҳисобидан жами 559,6 миллиард сўм ажратилди. Қарийб 36 минг ёшга ускуна, меҳнат қуроллари, уруғлик ва кўчат харид қилиш учун 81,9 миллиард сўм субсидия берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 13,8 минг йигитнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ бадали учун 66 миллиард сўм субсидия тақдим этилди. Ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида деҳқончилик фаолияти учун бугунга қадар 178 минг 215 ёшга 40,1 минг гектар экин майдони ажратилди.

Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ўтказган ўрганишларга кўра, мамлакатимизда 210 та Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил қилиниб, уларда ёшларнинг қиймати 1 триллион 319,4 миллиард сўмлик 780 лойиҳаси ишга туширилган. Натижада 17 минг 704 та янги иш ўрни очилган. Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудларнинг ўзига хос миллий тажрибаси яратилди. Ана шу каби имконият ва шарт-шароитлардан бугун ёшларимиз ўз орзу-умидлари, интилиш ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида фойдаланаётгани, ғайрат-шижоатли, фидойи ва ташаббускор йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли.

Ҳозир ёшлар жамиятнинг асосий ҳаракатчан қисмидир. Уларнинг фаолиятини бунёдкорлик ва яратувчанликка йўналтириш, салоҳиятини юзага чиқариш учун кенг имконият яратиб беришда ёш авлодни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлов ҳар бир мамлакат учун ҳаёт-мамот масаласига айланди. Юртимизда ҳам бу борада қатор кечиктириб бўлмас ишлар қилинди.

Жумладан, "Келажак касблари" лойиҳаси доирасида 3641 ёшга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиши учун 5,2 миллиард сўм субсидия ажратилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 662 нафар иқтидорли йигит-қизнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун 226 миллион сўм субсидия берилди. www.e-kasb.uz платформасидан 29 минг 586 йигит-қиз ва 137 та ўқув маркази рўйхатдан ўтган бўлиб, бугунга қадар 10 минг 637 нафар ёш мазкур лойиҳани муваффақиятли тамомлади. Ишсиз ёш фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича қарийб 62 минг йигит-қиз мономарказ ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида таҳсил олди.

Ёшларнинг муаммоларини бевосита маҳаллаларда бартараф этиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун 2023 йилнинг апрель-июнь ойларида илк маротаба беш босқичда "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг биринчи мавсуми ўтказилди. Бу мавсум доирасида қатор муҳим йўналишларни қамраб олган танлов ва мусобақаларда 6,2 миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этиб, 540 нафари беллашувларнинг республика босқичи ғолиби бўлди. Ўтган йили сентябрь ойида олимпиаданинг иккинчи мавсумида 7,2 миллион ўғил-қиз қамраб олинди.

Ёшлар бўйича давлат сиёсатидаги муҳим йўналишлардан бири, шубҳасиз, ўғил-қизларнинг маънавий етук инсон бўлиб улғайишидир. Бу борада ҳам бутунлай янгича тизим яратилди. "Ёш китобхон", "Ёш китобхон оила", "Зукко китобхон", "Мушоира" каби танлов ва лойиҳаларда 1,5 миллиондан ортиқ ёш иштирок этгани фикримиз далили.

Маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни маърифатпарвар боболаримиз ғояларисиз тасаввур этиш амри маҳол. Замоннинг талаби бу борадаги қарашларимизни қайта кўриб чиқиш ва маънавий меросга янгича қарашга туртки бермоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари" мавзусидаги конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатида бугунги кунда янги Ўзбекистонда инсон қадри улуғланадиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислоҳотларимиз жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳанглиги таъкидланди. Келгусида маънавият, маърифат соҳасида қилинадиган ишларда шунга қараб мўлжал олиш, ёшларни жадидчилик ғоялари асосида тарбия қилиш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз ўтган йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида ҳам мавзуга алоҳида тўхталиб, жумладан, бундай деди: "Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар...

... Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур. Лекин уларни ким тарбиялайди? Албатта, ўзимиз тарих сабоқлари, замон талаблари асосида тарбиялашимиз зарур".

Бугун хорижий мамлакатларда ўқиётган ҳамда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан иш олиб бориш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимиз тараққиётига доир креатив ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ушбу тизим доирасида хориждаги фуқароларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, дуч келаётган муаммоларини жойида бартараф этиш ва молиявий қийин аҳволда қолганларни ватанга қайтариш борасида комплекс ишлар қилинди.

Ислоҳотларнинг тақдири, натижаси, биринчи навбатда, кадрлар савиясига, давр ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб бера олишига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук ва комил шахслар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, қулай, илғор ва инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун Ўзбекистон бор куч ва имкониятини ишга солмоқда. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг 2018-2022 йилларда ёшларга оид давлат сиёсати ижроси борасидаги ҳисоботида ёшлар ташкилотлари фаолияти билан бир қаторда вазирликлар, идоралар ва тизимларнинг ёшлар йўналишидаги фаолияти қамраб олинган. Ҳужжатдан ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам ўрин олган. Бу йилдан бошлаб бундай ҳисоботни ҳар йили тайёрлаш назарда тутилган. Бу ёшлар сиёсати борасидаги фаолият натижадорлигини баҳолаш ва ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Зеро, улкан молиявий, ташкилий ресурс сарфланар экан, қабул қилинаётган дастурлар ва режалар аниқ мақсадга қаратилиши ва самарадор бўлиши керак. Чунки мақсадимиз Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, мамлакатимиз энг тараққий этган давлатлар қаторига чиқиши учун интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшларни янги Ўзбекистоннинг драйверига айлантиришдан иборат. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилинган 2024 йилда мазкур ишлар кўлами ва мазмун-моҳиятига кўра янги босқичга чиқиши шубҳасиз.





**Қарор ва ижро**

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЭРИШИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

### замирида янги таҳрирдаги Конституциянинг муҳим ўрни бор

**Азизжон ВОРИСОВ,**
***Жамоат хавфсизлиги университети профессори***

**Мамлакатимиз тарихий солномасида 1992 йилнинг 8 декабрь санаси алоҳида ўринга эга. Боиси, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган Конституциямиз айнан шу санада қабул қилинган. 2023 йил 1 майдан эътиборан эса миллий тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз кучга кирди. Шу тариқа Бош қонунимиз бугунги ҳаётимиз ва келажагимизни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатловчи мукаммал ҳужжатга айланди.**

Конституциямизнинг янги таҳририда таълимга бағишланган моддалар сони оширилгани, мазмун-моҳияти такомиллашгани уни жамиятнинг барча жабҳаларида тўғридан-тўғри ва бевосита қўллаш амалиётига ўтишимиздан далолатдир.

Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги "Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилиниб, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, молиявий мустақиллик давлат олий таълим муассасаларига академик мустақиллик, ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида қўшимча ваколатлар берилди. Жумладан, таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда, тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини, талабалар тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш ваколати тақдим этилди. Бундан ташқари, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган, илмий изланиш олиб борадиган миллий ҳамда хорижлик профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш, ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижлик мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини бозор коньюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш, профессор-ўқитувчилар штат бирликларини киритиш меъёрларини ишлаб чиқиш, ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш каби ҳуқуқлар назарда тутилган.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 51-моддасида **"Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга",** деган қоида мустаҳкамланди.

Юртимизда олий таълим тизимида сўнгги йилларда катта ўзгаришлар, мутлақо янги тенденциялар кўзга яққол ташланаётгани, айниқса, Бош қонунимизда таълимга оид нормаларнинг мустаҳкамлангани соҳа ходимларини руҳлантирди. Бугун ўз касбининг фидойиси ва устаси бўлган, халқаро меҳнат бозоридаги рақобатга муносиб дош бера оладиган, инновацион фикрлайдиган, энг муҳими, сифат ва натижа учун ишлаб, мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги учун муносиб ҳисса қўшадиган кадрларга эҳтиёж кучайиб бораётган бир пайтда соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар жуда муҳим.

Таъкидлаш керакки, юртимиздаги бу жараёнларда Жамоат хавфсизлиги университети ҳам ўз олдига қўйган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилмоқда. 2021 йил 15 апрелда Президентимизнинг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш мақсад қилинган.

Қарорга мувофиқ, университет қатор йўналишлар бўйича малакали кадрларни мақсадли тайёрлашни амалга оширувчи базавий олий ҳарбий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланган, шунингдек, университетнинг асосий вазифалари ва йўналишлари қаторидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишга қодир малакали мутахассисларни тегишли ихтисослик ва йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш ҳамда уларни жанговар ва жисмоний тайёргарликдан ўтказиш орқали мақсадли тайёрлаш каби вазифалар ўрин олган.

Вазифаларни ўз ўрнида сифатли бажариш муҳимдир. ОТМда давлат таълим стандартлари, унга мувофиқ малака талаблари, ўқув режалари ишлаб чиқилди, ушбу ўқув режалари учун ўқув дастурлари тайёрланиб, амалиётда қўлланила бошлади. Биргина 2023/2024 ўқув йилининг ўзида 12 та янги мутахассислик ва йўналишли фанлар таълим жараёнига жорий этилди. Университетда таҳсил олаётган барча босқич курсант ва талабалари янги авлод дарсликлари билан тўлиқ таъминланди.

Ўзгариш ва янгиланишлар, ёшлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар самараси талабаларимиз қўлга киритаётган ютуқларда кўринаётир. Масалан, 2023 йилда 2 нафар курсант Президент стипендияси ва Ислом Каримов номидаги стипендия соҳиби бўлди. Курсантлар жамоасидан Президент стипендияси совриндори бўлиш шарафи илк бор насиб этгани барчамизни қувонтирди.

Курсант ва талабаларнинг билим олишга интилиши ошаётгани фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи юқорилаб бораётганида ҳам кўринмоқда. Энг муҳими, улар билим, ватанпарварлик ва юксак одоб-ахлоқ билан бу имкониятларга муносиб жавоб қайтариш зарурлигини ҳам ақлан, ҳам руҳан англаб етмоқда.

**Маънавий тарғибот иши эл-юртни ягона мақсад йўлида бирлаштириши, ёшлар қалбида ватанпарварлик, миллат ривожига дахлдорлик туйғуларини уйғотиши, янада муҳими, ҳар бир кишида эртанги янада фаровон турмушимизга ишончни мустаҳкамлаши зарур.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 5 январь, 3-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz yuz

Муносабат



# ИККИНЧИ УСТУН

## ёхуд сиёсатнинг маънавий қиёфаси



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист*

**Ҳар қандай жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида маълум давр ва босқичлар, муҳим бурилиш нуқталари бўлади. Ҳар бир раҳбар ўз фаолиятини у ёки бу даражадаги ислоҳотлардан бошлайди. Аммо давлат тарихига, миллий тараққиёт солномасига чинакам реформатор бўлиб кириш, халқ ҳаёти, дунёқараши, онг-тафаккури ҳамда турмуш тарзини амалда ўзгартириш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Дунё давлатчилик тарихидан маълумки, кўп ҳолларда сиёсат шунчаки сиёсат учун юритилади, ислоҳотлар жамиятнинг маънавий-ахлоқий даражаси, халқнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари билан боғланмаган, бурилиш нуқталари режаси адолат принциплари, қонун устуворлигига мослашмаган ҳолда ўтказилади. Қоғозларда акс этган режалар ҳаётга кўчмайди.**

Бундан етти йил аввал мамлакатимизда бошланган қамрови кенг ислоҳотлар тизими халқни тинглаш, одамлар билан юзма-юз бўлиб, очиқ мулоқотга киришиш, ҳар бир шикоят, фикр-мулоҳазага жиддий эътибор бериб, муаммоларни шу жойнинг ўзида ҳал қилиш, қўшни давлатлар ўртасида азалдан мавжуд ҳамкорлик алоқаларини наинки тиклаш, уларни янги босқичга кўтариш, қон-қардошлар билан ўзаро борди-келди қилишга халақит бераётган, илдизлари бир халқларни бир-биридан узоқлаштирадиган сунъий тўсиқларни четга суриб ташлашдан бошланди. Яқин ва узоқ келажак билан боғлиқ ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Давлат ва жамият бошқарувида жиддий ташкилий ўзгаришлар юз берди. Йиллар ўтар экан, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида янги маънавий мақом ва мавқеда намоён бўла бошлади.

Ҳар бир давлат олдига қўйган мақсад-муддаосидан келиб чиқиб, ўзининг ички ва ташқи сиёсатини белгилайди. Бу икки сиёсат ўзаро уйғун ҳолда маънавий-ахлоқий, чинакам инсонпарвар қиёфага эга бўлгандагина миллат равнақига хизмат қилади. Бир мақола сиғимида айтганда, давлатимиз раҳбарининг қатъияти билан амалга оширилган биргина “Меҳр” операцияси — уруш ҳаракатлари давом этаётган Сурия, Ироқ ва Афғонистондан тақдир тақозоси билан у ерларга бориб қолган, сувсиз, егуликсиз дўзах азобида яшаётган 550 нафарга яқин аёллар ва болаларнинг Ватанга олиб келиниши янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг маънавий қиёфасини дунё ҳамжамияти кўз ўнгида намоён этди. Кучли ижтимоий ҳимоя, давлат ва жамият муносабатларида инсон омилининг кучайиши эса ички сиёсатнинг муҳим йўналишига айланди. Маданий-маърифий соҳада ёшларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш бош вазифа қилиб белгиланди.



Шавкат Мирзиёев “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, деган фикрни ўртага ташлади. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 22 декабрь куни Президент иштирокида ўтган кенгайтирилган йиғилишида кенгаш раисининг маърузасини тинглар эканман, шу иккинчи устун ҳақида ўйладим.

Асрлар давомида дунё тамаддунини ўзининг қудратли нури, таъсир кучи билан ёритиб келаётган донишманд Шарқнинг илмий мероси, ҳикмат тўла хазиналари, маънавий-ахлоқий қадриятлари бугунги талатўпли замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Беҳисоб иқтисодий бойлик, ҳарбий куч-қудрат ҳам ҳал эта олмайдиган муаммони халқимизга хос маънавий комиллик, фозиллик билан ҳал этиш мумкин, бунга мисоллар кўп. Одоб-ахлоқ, ота-она, устоз-мураббийларга ҳурмат-эҳтиром, ён қўшнилар билан самимий муносабат, саховат ва бағрикенглик Шарқда буюк нажоткор куч эканига бу ҳорғин дунё неча бор ишонч ҳосил қилган. Йиллар ўтиб, шогирдлар устозлик мақомига етади, аммо илм-маърифатга бошлаган мураббийларига иззат-икром кўрсатиш фазилати қалбларини тарк этмайди. Шу боис, бугун тубдан янгиланаётган жамиятимизда маънавий-ахлоқий тарбияга эътибор тобора кучаймоқда. Негаки, эндиликда ҳеч бир мамлакат, ҳатто йирик минтақа ҳам дунёдан узилган ҳолда, ички имкониятлари билангина яшаши, олға силжиши мумкин эмас.

Офатдай ёпирилиб келаётган умумдунёвий муаммоларни ҳеч қайси давлат бир ўзи ҳал қила олмаслиги ҳам аниқ. Шундай бўлса-да, ҳарбий мушт, иқтисодий куч-қудрат билан ўзгаларга ошкора босим ўтказиш, бошқа йўлларга даъват қилиш, ҳар бир миллат ўз тараққиёт йўлини ўзи мустақил танлаш ҳуқуқига эгалигини тан олмаслик, “Ё биз билан бўласан, ё... ўзинг биласан”, деган писанда-пўписалар озаяётгани йўқ. Дунё шундай бир паллага кирдики, ишинг юришса ҳам кимгадир ёқмайсан, юришмаса ҳам. Танг пайтда озроқ қўллаб юбориш ҳисобига бир жойингни ўмариб кетишга тайёрлар бор. Европа, Америка, Африка, Жанубий Осиё давлатлари иқтисодий, сиёсий тузилмаларга кириб, биргаликда ҳаракат қилаётганига биз асло ғашлик қилмаймиз. Бугун бу жараён туркий тилли давлатларда ҳам бошланган, Ўзбекистон мазкур янги бирликда фаоллашиб бораётган экан, нега энди бундан хавотирга тушадилар?



Фитрат домланинг “Шарқ сиёсати” рисоласида хавотирга тушишнинг асоссизлиги ғоят таъсирчан кўрсатиб берилган. “Африқоға кирган мусулмонлар Амриқо ва Африқони босқон маданий овруполилардек ерли халқни битирмак учун тиришмадилар, — деб ёзади муаллиф. — Африқонинг Жазоир, Тунис, Фас (Марказий Африка) каби ўринларини тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, улардан буюк одамлар етуштирдилар. Шарқ ўзининг тарихи, сиёсати, ҳунари, инсофи, адолати, ахлоқи... билан юксалмиш. Шарқ маданий йиртғучи эмас эди. Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди... Шарқ билим, ҳунар йўлинда Оврупа жаҳонгирлари (каби) ўртоқ қони(ни) ичмак, орқадош уйин таламоқ учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмоқ учун тиришарди...”.

Маънавият тарғиботчилари, ижодкор зиёлилар жадид бобомизнинг бу улуғ таҳлилини унутмаслиги керак. Маънавий тарғибот иши эл-юртни ягона мақсад йўлида бирлаштириши, ёшлар қалбида ватанпарварлик, миллат ривожига дахлдорлик туйғуларини уйғотиши, янада муҳими, ҳар бир кишида эртанги янада фаровон турмушимизга ишончни мустаҳкамлаши зарур. Янги Ўзбекистон мафкураси халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган эзгулик, одамийлик, юксак гуманизм ғояларига, эркин фикр ривожига асосланишини тушунтириб бериш зарур. Дунёда сиёсий кураш ва рақобат кескинлашаётган, иқтисодий ва бошқа манфаатлар аёвсиз тўқнашаётган бугунги чигал вазиятда яшаб қолмоқликнинг, миллий юксалишни йўқотмасликнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Глобаллашув жараёни инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга, фавқулодда мураккаб муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага, фарзанд тарбиясига беписанд қараш, айниқса, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан ёшлар онгига сингдирилмоқда. Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби иллатлар билан ёнма-ён яшамоқдамиз. Баъзи ҳудудларда сунъий беқарорликни юзага келтириш ва бу бузғунчилик билан осойишталикни бузиш ҳоллари мавжуд.

Бундай пайтда ижодкор зиёлилар ҳар қандай мудроқ жамиятни ҳаракатга келтирувчи, фикр уйғоқлигини таъминловчи, аниқ мақсад сари йўналтирувчи илҳомбахш куч сифатида майдонга чиқиши, адабиёт, санъат, театр ва кино соҳаси ўзининг инсон камолоти билан боғлиқ бош вазифасига янада жиддий киришмоғи зарур.



Давлатимиз раҳбари маънавият тарғиботчилари олдига мафкура соҳасида кучли рақобатга ҳамиша тайёр туриш, маданий дипломатия имкониятларидан унумли фойдаланиш, рақиблардан олдинда бўлиш вазифасини қўйди. Ижод аҳли ўз асарларида дунё бугун қайси томонга оғаётгани, қандай қадриятлар эшигини қоқаётганини ўзи ҳам билмай турган пайтда унинг чигал “манзара”сини шарҳлаш билан бирга, бу ҳолатда ўзлик, миллий руҳ ва ғурурни сақлаб қолиш, ҳуррият илдизларини мустаҳкамлаш, дунёвий мулоқотни кенгайтириш, жаҳон ҳамжамиятининг олдинги сафларидан жой олиш йўлларини кўрсатиб бериши талаб этилади.

Биз ўтмишдаги аждодларнинг номларини фарзандларимизга ҳамиша ибрат қилиб кўрсатамиз. Чунки улар одоб-ахлоқда, илмга чанқоқликда, маънавий комилликда, нафсни жиловлашда чинакам ибрат намунаси бўлган. Бундай фазилатли бир киши вояга етаётган минг-минглаб ёшларни ҳидоят йўлига, илм-маърифатга бошлаши, қалбларида ватанпарварлик, миллатсеварлик туйғусини кучайтириши аниқ. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг олдига оталар ўз фарзандларини ўқишга олиб келса, пири муршид улар бирор ҳунарни эгаллаганми ёки йўқлигини сўрар, борди-ю эгалламаган бўлса, “Фарзандингиз аввал ҳунар ўргансин, қўлидан бир иш келадиган бўлсин, кейин олиб келинг”, деб маслаҳат берар экан.

Бу талабнинг замирида катта маъно бор. Ҳунари бор бола вақтини ҳеч қачон беҳуда ўтказмайди. Яхши-ёмоннинг, фойда-зиённинг фарқига бориб, оила, рўзғор харажатларини тушуниб улғаяди. Вақти келиб, ўз фарзандларига ҳам шу руҳда тарбия беради. Шундай узлуксизликка эришилган жойда, шубҳасиз, ижтимоий адолат, маънавий етуклик ва поклик қарор топади.

Тарбиясизлик, жоҳиллик, одоб-ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар, маънавий айнишлар, асосан, бекорчиликдан, бировнинг ҳисобига кун кўришдан, пок ва нопокликни ажрата билмасликдан келиб чиқади. Бир ишнинг этагидан маҳкам тутмаган бола оиласига, ота-онасига, жамиятга кўп ташвиш келтиради. Фақат шу эмас, битта бекорчи ёки тарбиясизнинг ёнига иккинчи бекорчи, учинчи тарбиясиз қўшилса, тузатиш қийин бўлган янги муаммо юзага келади.

Ҳаётда ҳар бир киши бу ёруғ оламда яшашдан мақсад-муддаосини ўзи белгилайди. Кимдир ҳалол меҳнат билан ризқ топишни, фарзандларини тўғрисўз, адолатли, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашни ўйлайди. Бошқа бир киши ҳеч нарсани ўйламайди, бошини ҳеч нарсага қотирмайди, ўткинчи ҳою ҳавасга, кундалик ҳузур-ҳаловатга берилади. Бундай кишилар бола тарбиясини, ота-оналик, инсонийлик бурчларини ҳам унутади. Фақат шу эмас, ҳаётда ўз йўлини топа олмаган кишилар аксарият ҳолларда баджаҳл, қўрс, бировнинг дилини вайрон қилмаса, кўнгли ўрнига тушмайдиган, жанжал кўтариб, кимнингдир тинчини бузиб роҳат қиладиган, лавозим курсисига ўтирса, отаси тенги кишини сенсирайдиган кимсалардир.

Бир қарашда бир-бирига зид бу икки хил турмуш тарзи хусусида нималар дейиш мумкин? Ҳар бир киши ўзи эккан, ўзи парваришлаган ҳосилни ўради. Доно халқ ғараз ва ҳасад билан яшайдиган, умрида савоб иш қилмаган, фақат нафсини, шахсий манфаатини ўйлайдиган кишиларни хушламайди, бундайлардан узоқроқ бўлишни эп кўради ва аксинча, имон-эътиқодли, ҳалол-пок, элсевар кишиларни улуғлаб, иззат-икромини жойига қўяди.

Шарқда жамоа бўлиб яшаш, оилапарварлик, болажонлик, турмушда учраб турадиган муаммоларни бамаслаҳат ҳал қилиш муҳим бўлса, Ғарб мамлакатларида индивидуаллик, ўзи учун шароит яратиш, шахсий фароғатини ўйлаш ҳисси устунлик қилади. Ҳеч ким бошқа бир кишининг шахсий ҳаётига аралашмайди, муаммоларига қизиқмайди. Ғарблик олимларнинг қарашларича, жамият умумийлик, якдиллик сари интилмаслиги керак, бу тузилма якка-якка кишиларнинг шахсий ҳаёти, эркинлиги ва турфа хил ҳою ҳавасларидан иборат эмиш.

Шарқона тарбия бир умр давом этадиган, авлоддан-авлодга ўтадиган мураккаб жараён. Шу боис, маънавият тарғиботчиси бугунги талаблар даражасида билимли, соғлом фикрли, кучли мушоҳада эгаси бўлиши керак. Маҳаллада турли миллат вакиллари, турли касб эгалари, турли динларга эътиқод қилувчилар ёнма-ён истиқомат қилади. Улар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида ўзаро аҳил-иноқ яшаётгани, бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатаётгани жамиятимизнинг катта ютуғи. Маҳалла бўлиб яшаш бизга ота-боболаримиздан қолган буюк мерос.

Учрашувда мамлакатимиз ўқув юртларида она тилини ўқитиш билан боғлиқ масала кенг муҳокама қилинди. Тилшунос олимлар тирик жоннинг ҳаёти учун сув ва ҳаво қанчалик зарур бўлса, сўз ҳам инсон учун худди шундай мақомга эгалигини таъкидлайди. Тил шундай буюк қудратга эгаки, унинг воситасида деярли барча муаммоларни ҳал қилса бўлади. Ўз она тилида, шу билан бирга, бошқа тилларда мукаммал сўзлай оладиган, фикрини тиниқ ифода этишга қодир, сўз ва амали уйғун кишилар фазилат бобида комилликка яқин туради. Улуғ аждодларимиз бир эмас, бир нечта тилни мукаммал эгаллаб, шу тилларда ҳам баракали ижод қилгани, келажак насллар учун ноёб илмий-маънавий мерос қолдиргани, бу хазинадан ҳамон баҳраманд бўлаётганимиз фикримиз далилидир.

Нутқ маҳорати тўғрисида бундай мулоҳаза юритаётганимизнинг боиси бор, албатта. Бугун кундалик ҳаётимизни телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар, турли йиғинлар, машваратлар, баҳс-мунозараларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар куни турфа даражадаги нотиқлар, жамият ҳаётида ижтимоий фаоллик кўрсатаётган кишилар суҳбатини тинглашга тўғри келади. Таассуфки, уларнинг ҳаммасида ҳам нутқ маҳорати, талаффуз қоидаларига тўла риоя қилинмайди. Она тилимизга хос бўлган нозик, бетакрор ибораларни, халқ донишмандлиги ифодаси бўлмиш мақол ва маталларни, таъсирчан ташбеҳларни ўринсиз ишлатиш, маъносини бузиб талқин қилиш асабингизга тегади. Шундай экан, баъзи раҳбарларнинг бундан буён она тилини бир оз енгил ўқитиш кераклиги тўғрисидаги иддаосига қўшилиб бўлмайди. Олимлар она тилига эътибор сусайган жойда жиноятчилик урчиши мумкинлигини аллақачон исботлаб берган.

Учрашувда, шунингдек, китобхонликни маънавий заруратга айлантириш, кутубхоналарни тарихий, замонавий асарлар билан бойитиш, шахсий кутубхоналар тармоғини кенгайтириш, мамлакатимизда нашр этилаётган маданий-маърифий газета-журналлар обунасини ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг миллий ғоямиз ва маънавиятимизнинг асосий тарғиботчилари бўлган газета-журналларни олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари кутубхоналарига бир нусхадан бепул етказиб бериш лозимлиги тўғрисидаги топшириғи айрим вилоятларда бажарилмаётганини, бу ишга лоқайдлик билан қаралаётганини қайд этиш зарур. Ҳамма лоқайдликлар ичида маънавий лоқайдлик ғоят хавфли эканини унутмаслик керак.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 11.
8848 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рашид Хўжамов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 21:15 Топширилди — 23:05